

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИНИНГ ТОШ ҚУТИ ҚАБРЛАРИ ТАДҚИҚОТИГА ДОИР

© 2023. Тошбоев Фуркат, Мамиров Омон, Тугалов Бобур

Жиззах давлат педагогика университети, Ўзбекистон Миллий археология маркази

Калит сўзлар: Уструшона, бронза даври, тош кути, кўчманчи чорвачилик, миграция, дашт кабилалари, Моргузар, Желли ғули, Андронов маданияти, Федоров маданияти, Қайроққум маданияти, Олтой, Корақўл, маданияти, Тошбулок, Мўминобод, Аччитош яшик қабрлари, Аш, Бахмалсой.

Ҳозирги вақтда Уструшонанинг бронза даврига оид ёдгорликларини ўрганиш ва материалларни умумлаштириш масалалари очиклигича қолмоқда. Шу муносабат билан Уструшонанинг шимоли-ғарбий қисмида қадимги аҳолининг ўрнашув босқичларини аниқлаш учун бронза даврининг дафн иншоотларини аниқлаш ва ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олиб, 2022 йилда Жиззах воҳасида археологик тадқиқотлар олиб борилди. Ушбу мақолада Жиззах воҳасидан топилган 15 та тош кути мазорқўрғонлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Желли ғули худудида олиб борилган изланишлар натижасида 20 га яқин мазорқўрғон аниқланди ва харитага туширилди, улар орасидан ҳар бирида биттадан дафн этилган 15 та мазорқўрғон очиб ўрганилди. Топилган қабрлар тошли тепаликнинг устида қурилган. Тузилиши жиҳатидан мазорқўрғонлар тош билан ўралган тўртбурчак шаклда кути ҳосил қилиниб, усти тошлар билан бекитилган ва пастак тош уюмидан иборат бўлган. Дафн иншоотларининг худди шундай қурилиши ва характери Евроосиё чўлларининг Андронов маданияти дафн иншоотлари орасида тўлиқ ўхшашликни топади. Эҳтимол, аниқланган мазорқўрғон гуруҳи Андронов маданияти кабилаларининг Ўрта Осиёга кўчиш йўналшларидан бирини акс эттиради.

ИССЛЕДОВАНИЯ МОГИЛЬНИКОВ В КАМЕННЫХ ЯЩИКАХ В ДЖИЗАКСКОМ ОАЗИСЕ

© 2023. Тошбоев Фуркат, Мамиров Омон, Тугалов Бобур

*Джизакский государственный педагогический университет
Национальный центр археологии АН РУз*

Ключевые слова: Уструшана, эпоха бронзы, каменный ящик, кочевое скотоводство, миграция, степные племена, Маргузар, Желли-гули, Андроновская культура, Федоровская культура, Кайракумская культура, Алтай, Коракульская культура, Тошбулак, Моминабад, Аччинские каменные ящики, Ашт, Бахмалсай.

В настоящее время открытыми остаются вопросы изучения памятников Уструшаны, относящихся к эпохе бронзы, и обобщения разрозненных материалов. В связи с этим изучение погребальных сооружений бронзового века имеет особое значение для выявления этапов расселения древней популяции Северо-западной Уструшаны. Учитывая это, в 2022 году в Джизакском оазисе проведены археологические исследования с представлением информации о 15 могильных курганов из каменных ящиков.

В результате поисков в районе местности Желли-гули выявлено и закартировано около 20 курганов, из них вскрыто и изучено 15 курганов, каждый из которых содержал по одному погребению. Выявленные курганы были сооружены на поверхности вершины каменистого всхолмления. Конструктивно курганы состояли из вырытой прямоугольной ямы, обложенной камнями, и невысокой каменной насыпи. Подобная конструкция и характер погребений находят полные аналогии среди погребений андроновской культуры евразийских степей. Возможно, выявленная курганная группа отражает одно из направлений миграции племен андроновской культуры в Среднюю Азию.

Қадимги Уструшонанинг шимоли-ғарбий қисми Жиззах воҳасига тўғри келиб, бу ердаги унумдор ерлар, тоғ водийларидаги оқар сув манбалари, чўл, дашт, тоғ ва тоғ олди минтақаларидаги мавсумий ўтли яйловлар илк даврлардан ибтидоий одамлар яшаши учун кейинчалик эса, деҳқончилик ва чорвачилик хўжалигини юритган жамоалар учун қулай бўлган. Воҳанинг рельефи ўзига хос бўлиб, жанубий қисми рельефини Туркистон тизмасига қарашли тоғлар, шимол томонини бепоён Мирзачўл, ғарбий томондан Нурота тоғи ўраб туради. Нурота тоғи Сангзор воҳасига туташ худудда тоғ қоялари ҳосил қилган. Бу тоғлар орасида Қорангул, Бахмалсой, Қорасой, Желли ғулли, Қипчоқ ва Боғишамол қишлоқлари жойлашган.

Бронза ва илк темир даврига оид материаллар шимоли-ғарбий Уструшона худудида тарқоқ ҳолатда қайд этилган. Уструшонанинг бронза даври тарихи билан боғлиқ ёдгорликларини ўрганиш ва тарқоқ ҳолда учрайдиган материалларни умумлаштириш масаласи ҳозирга қадар очик қолмоқда. Шунга боғлиқ ҳолда, шимоли-ғарбий Уструшона худудининг ўзлаштириш босқичлари, бронза даври аҳолиси дафн ёдгорликларини аниқлаш ва илмий тадқиқ этиш долзарб мавзу ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олиб 2022 йил май, август, октябрь ойларида Ш. Рашидов туманидаги юқорида санаб ўтилган қишлоқларга туташ тоғларда археологик қидирув ва қазув ишлари олиб борилди.


Қидирув ишлари натижасида 20 га яқин мозорқўрғонлар аниқланиб, ҳаритага туширилди ва қазув ишлари олиб борилди, улардан 15 та қабр очиб ўрганилди. Аниқланган қабрлар Желли-ғули қишлоғига туташ тоғнинг шарқий қисмида, Қипчоқ ва Боғишамол қишлоқларидан чиқувчи тоғ тепасида туташган қояларда жойлашган. Аниқланган қабрлар маркази ва атрофидан ер юзига бўртиб чиқиб қолган тош қатлами ўтган. Тош қути (қабр)лар ана шу жойларга қурилган.

Желли ғулли мозорқўрғонлари.

1-мозорқўрғон (тош қути). Усти тошлар билан айлана шаклда тўлдирилган ва ўлчами 3 x 3,5 м баландлиги 0,4 м. Қабр устидаги тош қатламлари олингач, унинг марказида марҳум учун махсус тўрт бурчакли, тош яшик шаклидаги дафн қурилмаси очилди. Тош қути жанубий-шарқдан шимолий-ғарбга йўналган ва ўлчамлари 1,10 м x 0,50 м, девори баландлиги 0,40 м (1-расм). Қабр тоғнинг ер юзасига бўртиб чиқиб қолган жойига тўрт томонидан катта ўлчамдаги тошларни нисбатан текисроқ бўлган ён тарафи ичкарига қаратиб қўйиб ясалган ва унинг устига плитасимон япалоқ тошлар қўйиб ёпилган. Тош қути полида сақланиши ёмон ҳолатдаги, титилиб кетган одам суяклари қайд этилди. Жасад боши ғарб томонга қўйилган ва ғужанак ҳолда дафн этилган. Тош қути ичига майда тош аралаш тупроқ (оқизик) тўлиб қотиб қолган.

2-мозорқўрғон (тош қути). Биринчи қабрдан 10 м шарқда тоғ тепасидан

Жиллигулли 2022
№ 1 Мозорқўрғон




1-расм. № 1 мозорқўрғон чизмаси.

Рис. 1. Чертеж погребения №1.

Figure 1. Drawing of burial No. 1.

Жилигулли-2022
Мозоркўрғон №6



2-расм. №6 мозоркўрғон чизмаси.

Рис. 2. Чертеж погребение № 6.

Figure 2. Drawing of burial No. 6.


кесиб ўтган тош қатламининг устида жойлашган. Қабр усти тўлиқ тошлар билан тўлдирилган. Тош уюми овалсимон кўринишда, диаметри 5 x 5 м баландлиги 0,2 м. Мозоркўрғон устидаги тош қатламлари олиниб, тозалаш ишлари олиб борилди. Қурилма ҳамма томондан катта ва кичик тошлар билан ўралган. Устига тартибсиз ҳолда турли хил ўлчамдаги тошлар ташланган. Бу мозоркўрғон ҳам тоғ устида қоя тошда, тошлардан териб ясалган ва иншоот тугалланмаган тош яшик кўринишини олган. Бироқ унда дафн этиш билан боғлиқ излар аниқланмади. Бунинг изоҳи сифатида, мозоркўрғон учун асосий ҳомашэ бўлган тош бўлаклари тўпланган, бироқ қандайдир сабабга кўра у ташлаб кетилган, деган фикрни билдириш мумкин.

3-мозоркўрғон (тош қути). Биринчи ва иккинчи қабрлардан 300 м шимолий-ғарбда, Желли ғули ва Қипчоқ қишлоқларига туташган адирлар устида жойлашган. Бу ерда устки қисми олдинги қабрлардан бошқача яъни қайроқтошга ўхшаш тошлар билан кўтарилган иншоотлар мавжуд. Тош уюмлари жойлашган ҳудуд ва атрофидан тошли қоя ўтган. Бу қабр усти ўлчами диаметри 12 x 10 м, баландлиги 0,6 м. Шакли овал кўринишида. Қабр устидаги тошлар бошқа жойдан келтирилган. Тош қатламлари олиниб, тозалаш ишлари олиб борилди. Бироқ, қабр конструкцияси учрамади. Бизнингча жасад тошлар орасига кўйилган бўлган.

4-мозоркўрғон (тош қути). Учинчи қабрдан 10 м шимоли ғарбда жойлашган. Усти айлана кўринишида тош уюмларидан иборат. Унинг ўлчами 6x6 м баландлиги 0,2 м. Қазув қабрнинг шарқий томонида 4 x 2 м ўлчамдаги майдонда олиб борилди. Тош қатлами олиб ташланиб, майдон тозалангач унинг тоғ қоясини 15 см чуқурликда кўпориб тош яшик ясалганлиги ва усти тош билан тўлдирилган маълум бўлди. Мозоркўрғон атрофида қўлда ясалган сопол бўлаклари қайд қилинди. Қабр ўлчамлари 1,10 x 0,40 м, девори баландлиги 0,20 м. Яшик ичида ашэ қайд этилмади.

5-мозоркўрғон (тош қути). Тўртинчи қабрдан 6 м ғарбда жойлашган. Тош уюмлари айлана кўринишида, ўлчами 6 x 6 м баландлиги 0,3 м. Тош қатлами тагида тўғри тўртбурчак кўринишидаги қабр излари аниқланди. Бироқ, дафн этиш билан боғлиқ моддий ашэлар қайд этилмади. Бу кенотаф қабр бўлса керак.

6-мозоркўрғон (тош қути). №1 қабр (тош қути) дан 370 м масофада, иккита тоғ дара-си (Желли ғули ва Боғишамол) ўртасидаги адир тепалиги чўкқисида жойлашган. Ёдгорлик маркази ва атрофидан қоянинг тош қатлами кесиб ўтган. Қабр ана шу тош қоя устига қурилган. Қабр (тош қути) усти тўлиқ тошлар билан тўлдирилган. Иншоот шакли айлана кўринишида, ўлчами 4 x 3 м баландлиги 0,4 м. Қабр устидаги тош қатламлари олингач, унинг марказида тоғ қоясини синдириб ясалган тўғри тўртбурчак кўринишидаги тош қути очилди



3-расм. №6 мазорқўрғон

Рис. 3. Погребение №6.

Figure 3. Burial №6.

(2-расм). Шарқ-ғарб йўналишидаги тош яшик кўринишидаги мазорқўрғон ўлчамлари 1,30 м x 0,40 м, девори баландлиги 0,30 м. Мазорқўрғон қоятошларни сидириб ясалган ва устига плита тошлар қўйиб ёпилган. Мазорқўрғон полида сақланиши ёмон ҳолатдаги, боши ғарбга қаратиб, ғужанак шаклида ётқизилган одам суяклари қайд этилди (3-расм).

7-мазорқўрғон (тош қути). 6 қабрдан 100 м ғарбда жойлашган. Унинг шакли айлана кўринишида, ўлчами 5 x 5 м баландлиги 0,3 м. Қабр усти тўлиқ тошлар билан тўлдирилган. Иншоот марказида тошдан ясалган камера излари сезилади. Мазорқўрғон марказида геолог-геодизистлар томонидан белги (темир столба) ўрнатилган. Шунинг учун ушбу қабр тозаланиб, ўлчамлари олинди. Бироқ, унда қазув ишлари ўтказилмади. Шундай бўлсада, унинг ташқи кўринишидан ва марказидаги камера изларидан 6 тош қутига ўхшаш хусусиятлар кузатилади.

8-мазорқўрғон (тош қути). Жиззах шаҳрининг жанубий қисмида, Боғишамол мемориал ёдгорлиги шимолидаги ҳудудда, тоғ ёнбағрининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган. Қабр тоғни кесиб текислаш пайтида бузилиб, унинг 2/3 қисми қирқиб олинган. унинг шимолий қисми нисбатан яхши сақланиб қолган. Ана шу бузилмаган шимолий чеккасида сопол идиш – тувак, суяк қолдиқлари, куйган кесак, ва ёғоч қолдиқлари мавжуд. Қабрни тахминий кўриниши овалсимон ўра кўринишида бўлган. Бироқ, унинг конструкцияси аниқ эмас. Қабрдан топилган сопол тувак (хурма) қўлда ясалган, сиртига махсус тароқсимон восита билан бўйни ва елкасига, зигзаг кўринишида безак бериб ясалган. Унинг гардиши диаметри 19 см, таг қисми диаметри 8,5 см, бўйи эса 15 см ўлчамида. Очиқ оловда пиширилган. Хаамири ғоваксиион. Таркибида дресва, шамот, ва қум мавжуд. Идиш деярли бутун ҳолда бўлиб, (4-расм) унда, мил. авв. XIII-XII асрларга оид дашт бронза даври Андронова (Аликул) жамоа-



4-расм. Сопол тувак.
Рисунок 4. Горшок
Figure 4. Pot.

лари моддий маданияти кулоллик идишларига ўхшаш хусусиятлар кузатилади (Жўракулов, Аванесова, Амиркулов. 1994: 105).

9-мозорқўргон (тош қути). Желли ғули кишлоғининг шарқий томонидаги Сузмойил ота ёдгорлигидан 540 м шимолда жойлашган. Тош уюми ўлчами 3 x 3 м баландлиги 0,4 м. Қабр устидаги тош қатламлари олингач, унинг марказида қоя устига тошлардан териб ясалган шарқ-ғарб йўналишида, тўғри тўртбурчак кўринишидаги тош қути очилди. Қути ўлчами 90 x 50 см, бир неча қатор тошлардан териб ясалган, қабр девори баландлиги 0,30 м. Қабрда сақланиши ёмон ҳолатдаги сон суяк қолдиқлари қайд этилди (5-расм).

10-мозорқўргон (тош қути). 9 тош қутидан 345 м шарқда жойлашган. Тош қути усти тўлиқ тошлар билан тўлдирилган. Иншоот шакли айлана кўринишида, ўлчами 4 x 3 м баландлиги 0,3 м. Айлана марказида тошлардан териб ясалган тўртбурчак кўринишидаги тош қути очилди. Қабр ўлчам 80 м x 50 м, девори баландлиги 0,30 м. Қабрда ҳеч нарса қайд этилмади (6-расм). У кенотаф бўлса керак.

11-мозорқўргон (тош қути). 10 тош қутидан 170 м шарқда жойлашган. Ёдгорлик маркази ва атрофидан қоянинг тош қатлами кесиб ўтган. Қабр ана шу тош қоя устига қурилган. Қабр устидаги тош уюми ўлчами 3 x 3 м баландлиги 0,4 м. Тош қути тўғри тўртбурчак кўринишида, шарқ-ғарб йўналишида, ўлчамлари 1 x 0,70 м, девори баландлиги 0,30 м. Қабрда сақланишидан одам суягининг қайси қисм суяк қолдиқлари эканлигини аниқлаб бўлмайдиган ҳолдаги парчалар аниқланди (7-расм).

12-мозорқўргон (тош қути). 11 тош қутидан 160 м жануби шарқда жойлашган. Тош уюми яхши сақланган. Ўлчами 3 x 4 м баландлиги 0,4 м. Қабр устидаги тош қатламлари олингач, унинг марказида тоғ қоясини кесиб ясалган овалсимон кўринишидаги шарқ-ғарб йўналишидаги тош қути очилди. Қути 1 м x 0,40 м, девори баландлиги 0,40 м. Қутининг ғарбий томони жасад бошини қўйишга мўлжаллаб ясалган. Қабрда бир неча суяк қолдиқлари қайд этилди. Бироқ, булар билан жасад ҳолатини айтиш қийин. Қабрдаги суяк қолдиқларига кўра жасад боши ғарбда бўлган ва ғужанак ҳолда дафн этилган (8-расм).


13-мозорқўргон (тош қути). 12 тош қутидан 410 м жануби шарқда жойлашган. Ёдгорлик маркази ва атрофидан қоянинг тош қатлами кесиб ўтган. Мозорқўргон ана шу тош қоя устига қурилган. Қабр усти тўлиқ тошлар билан тўлдирилган. Тош уюми 3x3 м баландлиги 0,6 м. Қабр овалсимон тўртбурчак кўринишида тошлар марказга томон аркасимон шаклда териб ясалган. Тош қути ўлчамлари 1,30 м x 0,50 м, девори баландлиги 0,50 м. Қабрда суяк ёки бошқа ашёлар қайд этилмади ва уни кенотаф қабр деган хулосага келдик (9-расм).

14-мозорқўргон (тош қути). 13 тош қутидан 160 м шарқда. Иншоот шакли айлана кўринишида, ўлчами 3 х 3 м баландлиги 0,3 м. Айлана марказида тошлардан териб ясалган тўртбурчак кўринишидаги тош қути очилди. Қабр-тош қути ўлчами 1 м х 0,50 м, девори баландлиги 0,30 м. Қабрда ҳеч қандай ашё қайд этилмади. Қабр кенотаф (10-расм).


15-мозорқўргон (тош қути). 1 тош қутидан 300 м шарқда. Тош қути тоғни кесиб ўтган қояни устига жойлашган. Ер устида тош қутининг излари сезилиб турибди. Қабр устида ҳеч қандай тош ёки тупроқ уюми йўқ. Қабр шу атрофдаги узунчоқ плита тошлардан териб ясалган. Иншоот тўғри тўртбурчак шаклда, ўлчами 1,20 х 0,5 м баландлиги 0,3 м. Қабрда суяк қолдиқлари ёки бошқа буюмлар қайд этилмади (11-расм). Бу қабрни ҳам кенотаф деган хулосага келдик.

Қазув ишларидан маълум бўлмоқдаки, тоғ тепасидаги бу қабрлар қоятошларни кесиб ёки тошлардан териб, барчаси тош яшик кўринишида ясалган. Қабрлар ясалиши шаклини ҳам иккига ажратиш мумкин. Биринчиси, қоятошлар устини тозалаб, унинг устига тошлардан териб ясалган тош қутилар (1, 2, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15). Иккинчи хили эса тоғ қоясини синдириб ясалган тош қути қабрлар (3, 4, 5, 6, 7, 8). Тош қутилар устидаги уюмлари ташқи кўринишида ҳам фарқ мавжуд. Уларнинг биринчи хили кўпчиликни ташкил этиб, улар шу атрофдаги харсанг тошлардан териб ясалган. Иккинчи хили эса фақат 3, 4, 5 – мозорқўргонларда қузатилиб улар асосан, бу атрофда учрамайдиган қайроқтошга ўхшаш тошлардан териб кўтарилган.

Қабрларни кўпчилигида одам суякларни учрамаслиги унинг узок давр мобайнида чириб битганлиги билан боғлиқ. Сабаби, бу қабрлар ер юзасида жойлашган ва усти тош билан ёпилган. Натижада, қабрга ёгин-сочинли пайтларда сув кириши, ёзги ва қишки об-ҳаво тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиши содир бўлган. Буларнинг барчаси суяклар сақланишига салбий таъсир кўрсат-



5-расм. №9 мозорқўргон
Рис. 5. Погребение №9.
Figure 5. Burial №9.



6-расм. №10 мазорқўрган
 Рис. 6. Погребение №10.
 Figure 6. Burial №10.

ган. Шундай бўлсада, қабрларда қайд қилинган суяк қолдиқлари лаборатория таҳлили учун олинди ва Самарқанд археология институтига топширилди.

Бу қабрлар ясалиш шаклига кўра Олтой ўлкасидаги Қоракўл маданиятига оид қабрлар ва Кавказнинг шимоли-ғарбий ҳудудларидаги сўнги бронза даври кўйиндиларига ўхшайди. Олтой ўлкасидаги Қоракўл маданиятига оид қабрларни ўрганган археологлар уларни уч хил типга ажратганлар ва уларнинг кўпчилигини тош яшик кўринишидаги қабрлар ташкил этади. Уларнинг биринчиси, барча томондан тош плиталар билан ўралган тош яшик кўринишидаги қабрлар (Озерное қишлоғи атрофидагилар), иккинчи тип, қабр уюми Афанасев даврига хос бўлган ёрма қабрлар (Қоракўл, Сальдяр) ва учинчиси алоҳида жойлашган қабрлар (Қоракўл 5-қабр ва Беш ўзак) кўринишида бўлган (Кубарев 2009: 28, рис. 69–71). Шулардан биринчи типига хос тош қутилар Желли ғули тош қути қабрлари билан яқин ўхшашликка эга.


А. В. Шишлов ва Н. В. Федоренко томонидан Кавказнинг шимоли-ғарбий ҳудудларида ҳам мил. авв. VII аср охири ва мил. авв. V асрларга оид қабрлар ўрганилиб, 193 қабр иншоотлари конструкциясига кўра 5 гуруҳга бўлинган. Барча типлар учун асосий хусусият қабрларнинг ер устида жойлашганлиги ва тошлардан қурилганлиги ҳисобланади. Улардан биринчи гуруҳга 75 қабр киритилиб, унда жасадлар тошдан ясалган қабр (тош яшик)ларга дафн

этилган (Шишлов, Федоренко 2006: 63–73). Бунда, тошлардан ясалган қабр девори, худди Желли ғулли қабрлари каби материкдан бироз ўйиб кирилиб, деворнинг юқори чекка-


си ва ёпиш учун қўйилган тош плита ер юзаси горизонтига тенг ҳолда жойлаштирилган. Қабр (яшик) деворлари асосан, тош ва қумтош бўлақларидан, икки ҳолатда яшик тагига иккита тош плита қўйилиб, устини ёпишда бир ёки бир нечта тошлардан фойдаланилган. Улардаги қизиқарли хусусиятлардан бири, баъзи қабрларда алоҳида қўйилган идишлар қабрдан ташқарида қайд қилинган (Шишлов, Федоренко 2006: 68). Бундай ҳолат Желли гули 4-қабрда ҳам кузатилди. Унда сопол идиш бўлақлари қабрдан ташқарига қўйилган эди.

Юқоридаги маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, ушбу тош кути шаклидаги қабр соҳиблари миграциялар натижасида, Ўрта Осиё худудларига Мўғилистон, Жанубий Сибир ва Олтой ўлкасидан кириб келган ва ўзларининг тош яшик кўринишидаги қабрларга дафн этиш анъанасини давом эттирган бўлса керак. Кейинчалик уларнинг бир қисми ғарбий ўлкалар (Кавказ) га томон кўчиб кетган бўлиши мумкин (Сулейманов, Гордеева 2019: 7–9). Қабрлар тоғ усти бўйлаб, ғарбга томон узлуксиз давом этган.

Кейинги йилларда Уструшона тоғли тегралари хусусан, Моргузар тизмасида ландшафт-археологик изланишлар ва ГИС таҳлиллар ёрдамида қадимий кўчманчи чорвадорларнинг излари аниқланди. Тадқиқотчи Ф. А. Максудовнинг таъкидлашича, табиий шароитнинг қулайлиги натижасида бу ҳудудда бронза даври чорвадор жомаларининг қўналғалари шаклланган. Булар денгиз сатҳидан 1100-1800 метр юксакликдаги Ғалчасой, Қоратош, Бешарчасой, Мойлиқўтон ва Ўйиқтош водийлари ҳамда 2000–2500 метр баландликдаги Бедана даласи платосидан ўрин олган Тошбулоқ яйловлари бўлган (Максудов 2020: 17). Ўтказилган археология прогноз модели асосидаги тадқиқотларга кўра, Моргузар тизмасида қадимги давр кўчманчи чорвадорларнинг яшаши учун за-



7-расм. №11 мазорқўрғон
Рис. 7. Погребение №11.
Figure 7. Burial №11.



8-расм. №12 мозорқўрғон
Рис. 8. Погребение №12.
Figure 8. Burial №12.

рур бўлган талабларга жавоб берадиган экологик бурчаклар “нишалар” мавжуд бўлган. AMS/14 C радиоуглерод даврлаштириш, бир қатор қўналғаларнинг ўрнашуви, стратиграфияси ва моддий маданиятига қараганда, кўчманчи чорвадорларнинг бу ерни ўзига хос ривожланган ўрнашув анъаналари негизида энг кечи билан эрадан олдинги II минг йилликдан бери сўнги 4 минг йил давомида ўзлаштиргани аниқланган (Мақсудов 2020: 18).

Ушбу фикрни мустаҳкамлаш учун яна қўшимча маълумотлар келтиришни маъқул топдик. 1956 йил кузги мавсумида ЎзР ФА тарих ва археология Институтининг Я. Ғ. Ғуломов бошлиқ Моҳондарё экспедицияси Жиззах шаҳидан 30 км шимол томонда қадимда кўчманчилар дашти билан чегарада қурилган Қулписарота сағанаси ва ундан 100–120 м шарқда, Ўрта Осиё худудида ягона бўлган (ўргаси ботик, ўлчами 180 см x 150 см ва баландлиги 120 см бўлган) тош дольменни ўрганган (Ғулямов 1961: 95). Муаллиф фикрича, ушбу дольмен келиб чиқиши бронза даври қабр иншоотларига тааллуқли ҳисобланади (Ғулямов 1961: 95).


2009 йил Ш. Рашидов туманининг Бахмалсой қишлоғи (биз ўрганаётган Желли ғулли қишлоғидан 5 км жануб) да бронза даврига оид, дафн буюмларига анча бой бўлган қабр ўрганилган. Қабрда сақланиши ёмон ҳолатдаги, боши ғарб томонга қаратиб дафн этилган одам суяклари қайд қилинган. Майитнинг оёқ ва қўлларида иккитадан бронзадан ясалган билакузуклар бўлган. Қабр лаҳатидан эса битта қўлда ясалган сопол идиш ва бронза ойна топилган. Муаллифнинг таъкидлашича кейинги тозалашда, қабр ўрнидан мис мунчоқлар ва битта қумуш исирға ҳам ўрганилган. Қабрда қайд қилинган материаллар (металл буюм-билгузуклар ва сопол идишлар бронза даврига оид бўлиб, улар шу даврга оид Суғддаги Мўминобод мозорқўрғонлари билан бир хил ўхшашликка эга (Ҳасанов 2022: 94–95). Бироқ, қабр шакли ва дафн анъаналарида фарқ кузатилади.

Л. М. Сверчков томонидан 2021 йилда Зомин тумани Аччи қишлоғи-агрофидаги Аччисой бўйларидан тош яшик кўринишидаги қабрлар ўрганилган. Улардан 99 қабр ер устида 90 x 40 см ўлчамида шимоли шарқ-жануби ғарб йўналишида тошлардан ясалган. Иккинчи (100 қабр) тўғри бурчакли тош яшик 1,5 x 1 м чуқурлиги 80 см. Бўлиб унга ғужанак ҳолда, боши жанубда, чап ёни билан ётқизиб юзи ғарбга қаратиб қўйилган одам дафн этилган (Сверчков, Бороффа, 2021: 129–130). Л. Сверчков Аччи тош яшикларини Қайроққум маданиятининг ғарбий тармоғига мансуб деб атайди.


Юқоридаги тадқиқотлар Л. М. Сверчков томонидан Зомин тумани, Дуоба қишлоғи (Ўрикли дарёси бўйи) даги бронза даврига оид ёдгорликдан топилган бронза чопқи-болта (тесла-кельта) ҳам тасодифий эмаслигини кўрсатади (Сверчков 2006: 119).

Е. Д. Салтовская Ашт қабристонларини ўрганиб, уларнинг биринчи гуруҳини 4 типга бўлган. Унинг учинчи типда ер усти қабр иншоотлари тош яшикдан иборат эканлиги, жасадлар боши шимол, шимоли-ғарб ва ғарб томонда бўлиши ва қабрда ҳеч қандай дафн буюмларининг учрамаслиги таъкидланган (Салтовская 1975: 78). Олима томонидан гуруҳлаштирилган ушбу қабр типлари айнан биз очиб ўрганган Желли ғули қабрларга мос келади. Олима ушбу тош даҳмаларни тузилиш шакли ва моддий манбалар таҳлилига кўра тахминан, илк темир даври яъни биринчи минг йилликнинг биринчи чораги ва мил. авв. VII–IV асрлар билан даврлаган (Салтовская 1973: 64).

Уструшонанинг сўнги бронза даврига оид юқорида келтирилган тадқиқотларни умумлаштириш ва ёдгорликларнинг ҳудудий жойлашишлари асосида фикр юритадиган бўлсак, Уструшона ҳам мил.ав. II–I минг йилликларнинг чегарасидан бошлаб қадимги ўтроқ дехқончилик вилоятлари билан маданий алоқалар ўрнатган Андроново чорвадор қабилалари томонидан фаол ўзлаштириб бошланганга ўхшайди. Унга биринчи



9-расм. №13 мазорқўрғон
Рис. 9. Погребение №13.
Figure 9. Burial №13.

Жилигулли-2022
Мозоркўрғон №14

10-расм. №14 мазоркўрғон
Рис. 10. Погребение №14.
Figure 10. Burial №14.

сабаб, Уструшона тоғлари, адирлари ва дарёлар воҳаларидаги зич тўқай ўсимликлари ва чўлли минтақалардаги яйловлар; иккинчи сабаб, Уструшонадаги фойдали табиий бойликлар — темир, мис, кўрғошин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо металл конлари булган. Чунки кўчманчилар хўжалигида металлсозлик — темир ва мис кончилиги, металлургия ва металлга ишлов бериш муҳим ўрин эгаллаган. Бу қабилалар асосан, ўтов ва капаларда, қишда эса ярим ертула кўринишидаги вақтинчалик уй-жойларда яшаган бўлса керак. Шунинг учун бўлса керак бу маданиятларнинг манзилгоҳлари (қишлоқлари) жуда ҳам кам топилади. Уларнинг қабрлари ва тасодифий топилмалари эса кўпроқ учрайди.

Шимоли-ғарбий Уструшонада Андронава жамоалари билан боғлиқ ёдгорликлар мавжудлиги ҳақидаги фикрга келишимизга Жиззах воҳасини шарқ, ғарб ва жануб томондан ўраб турадиган Фарғона водийси, Чоч ва Суғд худудларидаги бронза даврига оид ёдгорликларнинг кўп ўрганилганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Бу даврга оид кўплаб ёдгорликлар Зарафшон воҳасида ўрганилган. Зарафшон воҳасидаги бронза даврига оид Гужайли, Мўминобод, Қизил-қир, Сайгус, Чаққа, Сиёб, Дашти Ашт, Дашти Қазо каби чорвадорларга мансуб мазоркўрғонлардаги қабр тузилиши, мархумларнинг дафн маросимлар, оловга сиғиниш излари, сопол идишларнинг ясаиш, шакли ва нақшлари, мархумнинг антропологик типи Андроново жамоаларига хос хусусиятларни ўзида намоён қилади (Жўрақулов, Аванесова, Амиркулов 1994: 107–111). Бу жараён эса академик А. А. Асқаров таъбири билан айтганда “чорвадор туркий тилли даштликларнинг Зарафшон водийсининг сўғдийзабон қадимги деҳқончилик маданияти жамоалари билан илк бор аралашиб, қоришиб яшай бошлаганликларидан далолат беради” (Асқаров 2015: 230).



11-расм. №15 мазорқўрғон тош қути.

Рис. 11. Погребение № 15.

Figure 11. Burial №15.

Шу пайтгача Тошкент воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида, кўчманчилар сўнгги бронза даврида минтақани фаол ўзлаштириб бошлаганлиги аниқланган. Улар Андропова маданиятининг Петров, Федоров, Саргари-Алексеев босқичларига мансуб чорвадор қабилалари томонидан ўзлаштирилган. Бу жамоаларга мансуб ёдгорликлар Янгийўл шаҳри жанубидаги, Жун ариғи бўйлари ва Искандар қишлоғи атрофларида, “Никифоров ерлари”, Шоштепа, Мингўрик ва Қорақамишсой ҳудудларида ўрганилган (Алимова, Филанович 2009: 115–117). Юқорида санаб ўтилган ёдгорликлардаги материаллар мил. авв. II минг йилликнинг бошларида Қозоғистон ва Ўрта Осиёдаги Олакул ва Федоров маданиятларининг чорвадор қабилаларида кенг тарқалган. Улар Н. А. Авенесова томонидан Саргари-Алексеев маданияти ва бронза даврининг юқори босқичига тегишли эканлиги таъкидланган (Аванесова 1991: 53–54).

Бронза даврига оид ёдгорликлар Фарғона водийсида ҳам яхши ўрганилган. Бу ёдгорликлар археологик адабиётларда “Қайроққум маданияти” номи билан машҳур (Литвинский 1962: 148). Жанубий Фарғонанинг адирлик зоналаридан бронза даврининг дашт қабилалари

маданиятига тегишли Водил, Қарамқўл, Япаги, Чек, Хўжа Ягона, Дахана, Қашқарчи, Дашти Ашт мозорқўрғонлари ҳам ўрганилган. 1956 йилда Б. А. Литвинский уларни Андроново маданияти тарқалган худудга кирувчи Қайроққум маданияти вакиллари бўлганлиги бора-сидаги фикрини илгари суради. Тадқиқотчи фикрича, ушбу маданият Қозоғистон худудида бўлган Андроново маданияти билан узвий боғлиқ. Шу билан бирга қайроққумликлар хўжалик тарзининг ўзига хос томонлари ва сопол идишларидаги нақшларнинг мотив (мазмун) и билан Андроново маданиятидан фарқ қилган (Литвинский 1962: 204).

Фарғона водийси, Чоч ва Суғд худудларида яхши ўрганилган дашт бронза даври жамоалари маданиятига оид ёдгорликларнинг бу тарихий маданий воҳалар оралиғида жойлашган Уструшона худудларида йўқлиги, минтақада бу мавзу доирасида махсус тадқиқотлар олиб борилмаганлиги билан изоҳланади.

Собиқ иттифок даври археология адабиётларида Андроново маданиятининг пайдо бўлиши ва хронологик босқичлари тўғрисида кўплаб тадқиқотлар олиб борилиб, Федоров ва Аликул босқичлари аниқланган (Максименков 1978: 35). Мозорқўрғон тагида уч хил кўринишдаги ўралар мавжуд бўлиб, ичидаги тош плиталар ёнбош, баъзан вертикал тарзда қўйилиб, қабрлар бир-бирига параллел тарзда жойлашган бўлади. Ўра қабрлар тош яшик, “циста” ва аралаш ҳолатда бўлганлиги ўрганилган. Бу маданиятга оид ёдгорликлар қуйи Волгадан то Мўғулистонгача, жануби-шарқий Ўролдан то Ўрта Осиёгача бўлган худудларда кенг тарқалган. Бронза даврига келиб, Жанубий Сибир ва Мўғулистон дашт ва чўлликларидида шаклланган Карасук ва Оленной камен маданиятлари чорвадор аҳолисида отда жанг олиб боришга қулай бўлган узун қилич ва қалқон кейинчалик, узоқ масофага отадиган камонларга эга отлик суворийлар пайдо бўлади. Бу эса жанг куроллари соҳасида бошқа худудлардаги қабилаларга нисбатан уларнинг устунлигини таъминлаган. Айни пайтда кўчманчи чорвачиликнинг экстенсив ривожланиши, дашт қабилаларида иқтисодиётнинг яхшиланиб, ижтимоий муносабатларни кучайишига сабаб бўлган (Сулейманов 2021: 138).

Сўнги бронза даврида (м.вв. II–I минг йилликлар чегараси–мил. авв. XIV–XIII асрларда) Евроосиё қитъаси худудида Атлантик босқичининг иқлим оптимум вақти тугагандан сўнг бошланган совуқлик Волга бўйлари ва Қозоғистон чўлларида иқлимнинг аридизациясига сабаб бўлган (Хотинский 1996: 15–17). Волгадан Иртишгача ёйилган чўл худудларидаги совуқ қишлар чорвадорларни шу мавсумда жанубда, Ўрта Осиё тоғ олди воҳалари ва дарёлари бўйларида яйлов излашга мажбур этган. Бу эса Ўрта Осиё худудига Андроново жамоаларининг чорвадор қабилалари фаол кириб келишига асосий сабаблардан бири бўлган. Уларнинг асосий қисмини бошқа қабилаларни ҳам ўзига бирлаштирган Мўғулистон ва Жанубий Сибирнинг Қорасук маданияти қабилалари ташкил этган.

Мил. авв. II–I минг йилликларда отлик қўшин билан яхши куролланган Қорасук маданияти қабилаларининг катта қисми ғарбий ва шарқий йўналишларда Қадимги Хитойдан, архаик Юнонистонгача бўлган худудларни забт этишга киришади (Сулейманов 2021: 140). Бу қабилалар, нафақат, Евросиёнинг бепоён даштларида, балки, Ўрта Осиёнинг дашт ва саҳролари, тоғлик зоналарнинг дарё хавзалари ҳамда тоғ олди адирларда хўжалик юритганлар.

Хулоса қилиб айтганда, Желли ғули тош қути қабрларининг тузилишида ва топилган сопол буюм хусусиятларига кўра сўнги бронза даври Евросиё дашт минтақаси Федоров ва Олакўл маданиятлари (Андроново тарихий-маданий бирлиги) унсурларига эга. Охириги тадқиқотларга кўра ушбу маданиятга оид топилмалар радиокарбон таҳлил натижалари мил. авв. XIII–XII асрлар билан даврлаштирилган (Молодин, Епимахов, Марченко 2014: 145). Қабрлар конструкцияси ва тошларни қўйилишида ҳам Қайроққум маданияти билан ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Улар тош қутиларни қояни ўзини синдириб ясаш ва тошларни қабрга ёнбош ҳолатда қўйишда кузатилади. Шундай қилиб, юқорида келтирилган сўнги бронза

даврига оид кўчманчилар маданиятига оид қўналғалар (Моргузар тоғларидаги) ва қабрлар (Аччисой, Бахмалсой)да ҳамда Желли ғули қишлоғи атрофидаги тоғларда ўрганилаётган тош қути шаклидаги ушбу қабрлар минтақада шу пайтгача тарқоқ ва гоҳида учрайдиган бронза даврига оид материалларни умумлаштириш, минтақада хўжалик маданий типларини шаклланиши ва кўчманчиларнинг бронза давридаги миграцияси билан боғлиқ саволларга ойдинлик киритишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Аванесова Н. А.* Культура пастушеских племен эпохи бронзы азиатской части СССР (по металлическим изделиям) / Под ред. А. А. Аскарова. Ташкент: АН УзССР, Ин-т археологии, 1991. 201 с.
- Алаева И.П.* Культурная специфика памятников позднего бронзового века степной зоны Южного Зауралья: Дисс. на соискание ученой степени к.и.н. М., 2015. 539 с.
- Алимова Д. А., Филанович М. И.* История Ташкента / Под ред. Ю.Ф. Бурякова, А. М. Отахужаева. Ташкент: ART FLEX, 2009. 208 с.
- Асқаров А. А.* Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2015. 690 б.
- Гулямов Я. Г.* Кладбище Кулпи-Сар // ИМКУ. Вып. 2. Ташкент, 1961. С. 92–97.
- Жўрақулов М. Ж., Аванесова Н. А., Амиркулов Б. А.* Зарафшон воҳасининг ибтидоий маданияти. Самарқанд: СамДУ, 1994. 105–111 б.
- Кубарев В. Д.* Памятники Каракольский культуры Алтая / Отв. ред. В. Е. Ларичев. Новосибирск: Изд-во ИАЭТ СО РАН, 2009. 264 с.
- Литвинский Б. А., Окладников А. П., Ранов В. А.* Древности Кайрак-Кумов. (Древнейшая история Сев. Таджикистана) // Труды АН Таджикской ССР. Том 33. Душанбе: Изд-во Акад. наук Тадж. ССР, 1962. 408 с.
- Максименков Г. А.* Андроновская культура Енисея. Ленинград: Наука, Ленингр. отд-ние, 1978. 190 с., ил.
- Мақсудов Ф. А.* Ўрта асрларда тоғли Уструшона кўчманчи маданияти: Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2020. 33 б.
- Молодин В.И., Епимахов А.В. Марченко Ж.В.* Радиоуглеродная хронология культур эпохи бронзы Урала и юга западной Сибири: принципы и подходы, достижение и проблемы // Вестник НГУ. Том 13. Вып. 3. Археология и этнография. Москва, 2014. С. 136–167
- Салтовская Е. Д.* О раскопках Аштского могильника в 1971 г. // Археологические работы в Таджикистане. Вып. 11. Душанбе, 1975. С. 59–80.
- Салтовская Е. Д.* О раскопках могильников Ашт и Дашти-Ашт в 1973 г. // Археологические работы в Таджикистане Вып. 13 (1973 год) Душанбе, 1977. С. 47–65.
- Сверчков Л. М., Бороффка Н.* Краткий обзор археологических и геофизических работ в Зааминском районе // Археологические исследования в Узбекистане – 2021 год. Вып. 14. Самарканд, 2023. С. 129–130.
- Сверчков Л. М.* История изучения древних выработок Узбекистана (краткий обзор) // ИМКУ. Вып. 35. Ташкент, 2006. С. 113–130.
- Сулейманов Р. Х., Гордеева Е. А.* К вопросу об особенностях культурогенеза и урбаногенеза юга Уструшаны // “Қадимий Жиззах воҳаси–Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт)” Республика илмий-амалий конференция материаллари. Жиззах, 2019. Б. 7–10.
- Сулейманов Р. Х.* Вопросы культурогенеза и глоттогенеза Центральной Азии эпохи бронзы и раннего железного века // Культуры азиатской части Евразии в древности и средневековье / Отв. ред. Н. А. Аванесова. Самарканд, 2021. С. 137–143.
- Хасанов М.* Бахмалсойдан топилган бронза даври топилмалари // «Евроосиё халқлари маданий мероси: замонавий тадқиқотлар, муаммо ва ўрганиш усуллари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари (1-қисм). Жиззах, 2022. Б. 94–100.
- Хотинский Н. А.* Природные условия в неолитическую эпоху // Неолит Северной Евразии / Отв. ред. С. В. Ошибкина. Т. 3. М., 1996. 389 с.
- Шишлов А. В., Федоренко Н. В.* Погребальный обряд племен северо-западного побережья Кавказа в конце VII–V вв. до н.э. (по материалам Владимирского могильника) // Аргонавт. Черноморский исторический журнал. №2. Черноморск, 2006. С. 62–76.

REFERENCES:

- Avanesova N. A. 1991. *Kul'tura pastusheskikh plemen ehpokhi bronzy aziatskoj chasti SSSR (Po metallicheskim izdeliyam) (Culture of shepherd tribes of the Bronze Age in the Asian part of the USSR (based on metal products))*. In A. A. Askarov (ed). Tashkent: AN UzSSR, In-t arkeologii Publ., 201. (In Russian).
- Alaeva I. P. 2015. *Kul'turnaya spetsifika pamyatnikov pozdnego bronzovogo veka stepnoj zony Yuzhnogo Zaural'ya (Cultural specificity of Late Bronze Age monuments in the steppe zone of the Southern Trans-Urals)*: Diss. na soiskanie uchenoj stepeni k.i.n. Moscow, 539 s. (In Russian).
- Alimova D. A., Filanovich M. I. 2009. *Istoriya Tashkenta (History of Tashkent)*. In Yu. F. Buryakov, A. M. Otakhuzhaev (reds.). Tashkent: ART FLEX Publ., 208. (In Russian).
- Asqarov A. A. 2015. *O'zbek khalqining kelib chiqish tarixi (The history of the origin of the Uzbek people)*. Toshkent: O'zbekiston NMIU Publ., 690. (In Uzbek).
- Gulyamov Ya. G. 1961. *Kladiyishhe Kulpi-Sar (Cemetery Kulpi-Sar)*. In *IMKU (The History of Material Culture of Uzbekistan)*. Issue 2. Tashkent, 92–97. (In Russian).
- Zho'raqulov M. Zh., Avanesova N. A., Amirqulov B. A. 1994. *Zarafshon vohasining ibtidoij madaniyati (Primitive culture of Zarafshan oasis)*. Samarqand: SamDU Publ., 105–111. (In Uzbek).
- Kubarev V. D. 2009. *Pamyatniki Karakol'skij kul'tury Altaya (Monuments of Karakol culture of Altai)*. In V. E. Larichev (ed.). Novosibirsk: IAEHT SO RAN Publ., 264. (In Russian).
- Litvinskij B. A., Okladnikov A. P., Ranov V. A. 1962. *Drevnosti Kajrak-Kumov (Drevnejshaya istoriya Sev. Tadzhikistana) (Antiquities of Kairak-Kum (Ancient history of Northern Tajikistan))*. In Trudy AN Tadzhikskoj SSR. Vol. 33. Dushanbe: Akad. nauk Tadzh. SSR Publ., 408. (In Russian).
- Maksimenkov G. A. 1978. *Andronovskaya kul'tura v Eniseeya (Andronovo culture in the Yenisei)*. Leningrad: Nauka, Leningr. otd-nie Publ., 190, il. (In Russian).
- Maqsudov F. A. 2020. *O'rta asrlarda tog'li Ustrushona ko'chmanchi madaniyati (Nomadic culture of mountainous Ustrushona in the Middle Ages)*: Tarix fanlari doktori (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati. Toshkent, 33. (In Uzbek).
- Molodin V. I., Epimakhov A. V., Marchenko Zh. V. *Radiouglerodnaya khronologiya kul'tur ehpokhi bronzy Urala i yuga zapadnoj Sibirii: printsipy i podkhody, dostizhenie i problem (Radiocarbon chronology of cultural epoxy bronzes of the Urals and Western Siberia: principles and approaches, achievements and problems)*. In *Vestnik NGU (Bulletin of Novosibirsk state university)*. Vol. 13. Issue 3. Arkheologiya i etnografiya. Moskva, 2014, 136–167. (In Russian).
- Saltovskaya E. D. 1975. *O raskopkakh Ashtskogo mogil'nika v 1971 g. (About the excavations of the Asht burial ground in 1971)*. In *Arkheologicheskie raboty v Tadzhikistane (Archaeological work in Tajikistan)*. Issue 11. Dushanbe, 59–80. (In Russian).
- Saltovskaya E. D. 1977. *O raskopkakh mogil'nikov Asht i Dashti-Asht v 1973 g. (About the excavations of the Asht and Dashti-Asht burial grounds in 1973)*. In *Arkheologicheskie raboty v Tadzhikistane (Archaeological work in Tajikistan)*. Issue 13. Dushanbe, 47–65. (In Russian).
- Sverchkov L. M., Boroffka N. 2023. *Kratkij obzor arkheologicheskikh i geofizicheskikh rabot v Zaaminskom rajone (Brief overview of archaeological and geophysical work in the Zaamin region)*. In *Arkheologicheskie issledovaniya v Uzbekistane – 2021 (Archaeological research in Uzbekistan 2021)*. Issue 14. Samarkand, 129–130. (In Russian).
- Sverchkov L. M. 2006. *Istoriya izucheniya drevnix vyrabotok Uzbekistana (kratkij obzor)*. In *IMKU (The History of Material Culture of Uzbekistan)*. Issue 35. Tashkent, 113–130. (In Russian).
- Sulejmanov R. Kh., Gordeeva E. A. 2019. *K voprosu ob osobennostyakh kul'turogeneza i urbanogeneza yuga Ustrushany (On the issue of the peculiarities of cultural genesis and urbanogenesis of the south of Ustrushana)*. Qadimij Zhizzakh vohasi–Markazij Osiyo tsivilizatsiyasi tizimida (siyosij, iqtisodij, madanij hayot). Respublika ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari. Zhizzakh, 7–10. (In Russian).
- Sulejmanov P. X. 2021. In N. A. Avanesova (ed). *Voprosy kul'turogeneza i glottogeneza Tsentral'noj Azii ehpokhi bronzy i rannego zheleznogo veka (Questions of cultural genesis and glottogenesis of Central Asia of the Bronze Age and Early Iron Age)*. In *Kul'tury aziatskoj chasti Evrazii v drevnosti i srednevekov'e*. Samarkand, 137–143. (In Russian).
- Khasanov M. 2022. *Bakhmalsojdan topilgan bronza davri topilmalari (Bronze Age finds found in Bakhmalsoy)*. «Evroosiyo khalqlari madanij merosi: zamonaviy tadqiqotlar, muammo va urganish usullari» mavzusidagi khalqaro ilmiy-amaliy anzhuman materiallari (1-qism). Zhizzakh, 94–100. (In Uzbek).

- Khotinskij N. A. 1996. S. V. Oshibkina (red.). *Prirodnye usloviya v neoliticheskuyu ehpokhu (Natural conditions in the Neolithic era)*. In *Neolit Severnoj Evrazii (Neolithic of Northern Eurasia)*. Vol. 3. Moscow, 389. (In Russian).
- Shishlov A. V., Fedorenko N. V. 2006. *Pogrebal'nyj obryad plemen severo-zapadnogo poberezh'ya Kavkaza v kontse VII–V vv. do n.eh. (po materialam Vladimirovskogo mogil'nika) (Funeral rite of the tribes of the northwestern coast of the Caucasus at the end of the 7th–5th centuries. BC. (based on materials from the Vladimirovsky burial ground)*. In *Argonavt. Chernomorskij istoricheskij zhurnal. №2. Chernomorsk, 62–76. (In Russian).*
-

THE STUDY OF STONE BOX BURIALS IN THE JIZZAKH OASIS

© 2023. Toshboyev Furqat, Mamirov Omon, Tugalov Bobur

Jizzakh State Pedagogical University, National Archaeological Center of Uzbekistan

Key words: Ustrushana, Bronze Age, stone box, nomadic cattle breeding, migration, steppe tribes, Marguzar, Jelly Guli, Andronovo culture, Fedorovskaya culture, Kayrakkum culture, Altai, Korakul culture, Toshbulak, Mominabad, Achchinsky stone boxes, Asht, Bakhmalsai.

Currently, the issues of studying the monuments of Ustrushana dating back to the Bronze Age and generalizing disparate materials remain open. In this regard, the study of burial structures of the Bronze Age is of particular importance for identifying the stages of settlement of the ancient population in the north-western part of the country. With this in mind, archaeological research was conducted in the Jizzakh oasis in 2022. This article provides information about 15 burial mounds of stone boxes found in the Jizzakh oasis.

As a result of survey in the Zhelli guli area, about 20 mounds were identified and mapped, of which 15 mounds were unearthed and studied, each of which contained one burial. The discovered burial mounds were built on the surface of the top of a rocky hillock. Structurally, the barrows consisted of a dug rectangular pit lined with stones and a low stone mound. A similar design and character of the burials find a complete analogy among the burials of the Andronovo culture of the Eurasian steppes. Possibly, the revealed kurgan group reflects one of the directions of migration of the tribes of the Andronovo culture to Central Asia.